

"Хамма бир отадан келиб чиккан бўлса хар хил ранг ва ирклар каердан пайдо бўлган? Аслида бундай саволларни кўпрок биологиядан яхши хабардор бўлмаган беради. Чунки хар бир ота, она, бобо, бувидаги хусусиятлар маълум бир нисбатда фарзандларга ўтишини яхши билади. Бу нисбат "Мендел конунлари" номи билан машхур. Аллох таоло кўйган конунларга кўра, бир шахс тузилиши жихатидан эллик фоиз эхтимол билан онасига, эллик фоиз эхтимол билан отасига ўхшайди. Кишилардаги бошка жихатларда хам шу ёки шунга якин нисбатни кўриш мумкин. Лекин баъзи жихатлар борки, уларнинг бўлиши, ўзини кўрсатиши маълум шартларга боглик. Худди юлдузларнинг кўриниши учун коронгу тушиши керак бўлганидек. Куёш уларнинг кўринишига тўскинлик килади. Худди шундай баъзи рецессивлик характерлар хам доминантлик характерлар остида бўлади. Рecessив характерлар таъсирлардан кутулгандагина ўзини кўрсатади. Бу балки бир неча наслдан кейин амалга ошиши хам мумкин.

Хозирда мавжуд иркларнинг хаммаси бир отадан келади. Ягона соф ирк йўк. Масалан, ок танли ирка мансуб бир кишидан кора танли фарзанд тугилиши мумкин.

Баъзилар кора танли иркнинг тропик минтакаларда зич ультрабинафша нурлар натижасида келиб чикканини даъво килишади. Аммо унда Шимолий ва Жанубий Америкада худди шундай нурлар остида хаёт кечирадиганлар нима учун кораймаган, деган саволга жавоб тополмайдилар. Сўнги тадқиқотлар тери рангидаги хилма-хиллик ирсий эканини маълум килмоқда.

Ташки дунёдан узилган, атрофидаги бошка кабилалар билан ҳеч кандай алоқаси йўк кабилани тасаввур килинг. Бу ердаги генетик хусусият кабила аъзолари ирсий характерларининг йигиндисига тенг. Маълум дойра ичида чегараланган бундай ерни "ген ховузи" деб номлаш мумкин. Бу "ген ховузи"даги "рецессивлик" характерлар вақт ўтиши билан чатишиб янги ёки бошқача характерларни хосил килади.

Ўзгарган ген ва ирк характерларига мана шу жихатдан караш лозим. Илк инсон Хазрати Одамнинг (а.с.) генетик тузилишида хам жуда фаркли ранг ва ирк хусусиятлари бўлган. Худди "ген ховузи" каби у хам хар хил характерларни ўзида мужассамлаштирган. Бу характерларнинг барчасини бир пайтда юзага чиқишининг апбатта, иложи йўк эди. Даврлар ўтиб, баъзи генетик очилишлар натижасида хар хил характерлар пайдо бўлди.

Унда Хазрати Одам (а.с.) ва Хазрати Хаввонинг кон гурухи бир хил бўлгани холда бугунги тўрт кон гурухи кандай келиб чикди, дейиш мумкин.

Бирок Хазрати Одам ва Хазрати Хаввонинг бир хил кон гурухида бўлганлигини ким, каердан билади? Уларнинг кон гурухи ўрганиб чиқилмаган-ку?

Хар бир инсонда характер бир жуфт ген, яъни, икки ген томонидан назорат килинади. Бу генларнинг бири онадан, иккинчиси эса отадан ўтади.

Кон гурухини А, В ва О генлар ташкил этади. Хар бир кишида бу генлар АА, АО, ВВ, ВО

ва 00 шаклида учраши мумкин. Бу генлардан О гени А ва В генларига нисбатан рецессив тузилишга эга. Шу сабабли АА генлари А кон гуруҳини берганидек, АО генлари ҳам А кон гуруҳини беради. Худци шу шаклда ВВ ва ВО генлари В, АВ генлари АВ ва 00 генлари О кон гуруҳини ташкил этади. Бошқачарок тушунтирадиган бўлсак, А кон гуруҳига мансуб кишидаги кон гуруҳини АА ёки АО генлари белгилайди.

Хазрати Одамда АО ва Хазрати Хаввода ВО генлари бўлганида куйидаги ҳолат ҳосил бўларди:

ОТА ва ОНА : АО О х ВО О

ГАМЕТАЗ лар : АО ВО

ГЕНЕТИК ТУЗИЛИШ : АВ АО ВО ОО КОН ГУРУХЛАРИ : АВ А ВО

Вужудимизни коплаб олган жонли гилофнинг бармок учларидаги қисмларига шундай нақшлар ишланганки, натижада ҳеч қайси инсоннинг бармок изи бошқаларникига ўхшамайди. Буни ҳар нарсага кодир, яратувчи Зот дан бошқа қим қилиши мумкин?

Шунингдек, мукамал вужудимиз мана шундай гўзал шаклда ранг ва териларга ўралибгина қолмасдан, ҳар биримизнинг юзимизга шахсиятимизнинг белгиси сифатида чиройли сурат ишланган. Барча инсонларда тана тузилишининг бир хил бўлиши, ҳамманинг бир Қудрат қўли томонидан яратилганини ва унинг тасарруфида эканини, яъни Аллохнинг Ваҳдониятини қўрсатгани каби, ҳар бир инсоннинг юзига алоҳида сурат, алоҳида ранг ва гўзаллик берилиши ўз навбатида Буюк Яратувчининг ҳар биримизга берган алоҳида ва хусусий бир эҳсонини ифодалайди ва Унинг Қудратига ишора қилади.